



## ИНТЕНСИФИКАЦИЯ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ СЕМАНТИКАСИНИНГ ЛЕКСЕМА ВА ФРАЗЕМАЛАР СИНОНИМИК ПАРАДИГМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШИ

*Зияев А.И.*

*Қўқон давлат педагогика институти, инглиз тили ва адабиёти кафедраси  
профессори, филология фанлари доктори*

**Таянч сўзлар:** интенсификация, деинтенсификация, синоним, лексема, фразема, синонимик муносабат, ижобий баҳо, салбий баҳо.

**Ключевые слова:** интенсификация, деинтенсификация, синоним, лексема, словосочетание, синонимические отношения, положительная оценка, отрицательная оценка.

**Key words:** intensification, deintensification, synonym, lexeme, phrase, synonymous relationship, positive evaluation, negative evaluation.

Маълумки, тилшуносликда синонимлар ҳақида тадқиқотлар олиб берилган бўлса-да, уларда баён қилинган фикрлар кўп ҳолларда бир-бирига мос келмайди. Синонимлар кўп адабиётларда “маъноси бир хил” ёки “бир-бирига яқин маъноли сўзлар” сифатида таърифланади.

И.В.Арнольд сўзнинг маъносида асосий қисм ва маъно нозиклиги ёки қўшимча маънолар бўлишини, синонимлар маънонинг асосий қисмида бир-бирига мос келишини қайд этган.

Синонимларни белгилашда сўзларнинг маънодаги яқинлигига қараб иш кўриш қатор чалкашликларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби сўзларнинг маъно жиҳатдан яқинлиги ҳар хил даражада бўлишидир. Баъзи сўзлар маъно жиҳатдан бошқа бирор сўзга жуда яқин бўлса, баъзисининг маънодаги яқинлиги унга нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Айрим сўзларнинг маъноси эса бир-биридан узоқ, лекин ҳар ҳолда улар ўртасида боғланиш бўлиши мумкин. Шунга кўра синонимларни белгилашда маънодаги яқинликка қараб иш кўриладиган бўлса, у ҳолда маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган сўзлар ҳам, шунингдек, қисман бўлсада, маънода яқинлиги бўлган сўзлар ҳам ўзаро синоним деб қаралиши керак бўлади.



Синонимлар маълум даражада тилнинг тараққиёт даражасини, унинг бойлигини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Бирдан ортиқ сўзнинг синоним эканлигини тўғри фарқлаш ва улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш фикрни аниқ ифодалашга, субъектнинг ўзи фикр юритаётган объектага муносабатини аниқ кўрсатиб беришга имкон беради.

Одатда синонимлар биттадан ортиқ, яъни икки, уч, тўрт ва кўп тил бирлигининг ўзаро муносабати асосида туғилади. Бундай муносабатда қатнашувчи бирликларнинг миқдорини чегаралаб, белгилаб қўйиш мумкин эмас. Иккинчидан, бу тил бирликлари ўз ичида мунтазам бир системани ташкил этади.

Демак, синонимлик муносабатида тилнинг камида икки бирлиги қатнашади. Булардан бири иккинчисига нисбатан синоним бўлади, барчаси биргаликда синонимик уяни ташкил қилади. Синонимия воситасида маънони кучайтиришга, нозик маъно қирраларини англантишга ва ранг-баранг стилистик бўёқларни ифодалашга эришилади. Синонимлардан бирини танлаб ишлатиш билан воқеликнинг бир қирраси бўртади. Аслида синонимия туғилиши учун луғавий бирликлар (шунингдек, грамматик бирликлар ҳам) ўзаро фарқланишларга ҳам эга бўлиши лозим. Сўз ёки иборани танлаб ишлатишда ҳар гал ана шу фарқланишларни назарда тутишга тўғри келади. Муайян фикр ёки муносабатни билдиришда синонимик уядан энг мувофиқ сўз ёки иборани танлай ола билиш талаб этилади.

Синонимлардан нутқни равон тузишда, қайтариқлардан қочишда, шунингдек, товуш (талаффуз) ноқулайликларини бартараф қилишда унумли фойдаланилади. Синонимлар ифодалаган тушунчанинг белги даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини меъёрий даражада ифодаласа, айримлари кучли ёки кучсиз даражада ифодалайди.

Синонимик муносабат нафақат фразема ва фразема, балки лексема билан фразема орасида ҳам бўлиши мумкин. Бунда лексема маънони меъёрда, фразема эса муайян образ орқали кучли, ёрқин ифодалайди. Лексема ва фразема орасидаги синонимик муносабат сифат, равиш ва феъл туркумларида учрайди. Ҳар бир туркумдаги синонимик муносабат муайян семантик кўламга (гурухга) мансуб бўлади. Қуйида лексема-фраземали синонимияни шу нуқтаи назардан тавсифлаймиз.

Шахснинг кайфияти, сезгирлик ҳолатини ифодаловчи лексема ва фраземалар орасида интенсификация/деинтенсификация асосида синонимиянинг шаклланиши: хурсанд – оғзи қулоғида – ўз терисига сиғмай кетмоқ – ўзини еттинчи осмонда ҳис қилмоқ (248 - бет); (хурсанд, хушвақт, шод,



хуррам, хушнуд, масрур, сарафроз, ЎТСИЛ, 216 - бет) хафа – юрагига қил сиғмайди (268 - бет); хушёр – ер тагида илон қимирласа биладиган, хо-муш – қовоғидан қор ёғади (252 - бет).

Кишининг рухий ҳолатлари, феъл-атвори, инсонийлик (одамийлик) даражаси, меҳнатга муносабати қабиларни ифодаловчи лексема-фраземалар-нинг интенсификация/деинтенсификация асосида синонимия ҳосил қилиши: мўътадил (нейтрал) ва ижобий бўёқ (коннотация) билан: мард – юрагида ёли бор (268 - бет); уддабурон – юлдузни бенарвон урадиган (287 - бет); сахий – қўли очиқ (301 - бет); шўх – ерга урса кўкка сакрайди (81 - бет); ювош – қўй оғзидан чўп олмаган (295 - бет); салбий бўёқ (қўшимча маъно билан): хасис – қишда қор сўраса ҳам бермайдиган (252 - бет); муғомбир – илонни ёғини ялаган (113 - бет); эпашанг – тепса тебранмас (295 - бет); анқов – оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган (200 - бет); кўрқоқ – қуён юрак (304 - бет); бўшанг – оғзидан ошини олдирадиган (190 - бет); ландовур (ҳеч бир ишни уддалай олмайдиган) – аммамнинг бузоғи (26 - бет). Лапашанг, лаванд (лаванг), эпашанг, бўшанг, ландовур, ношуд, сўтак, бўш-баёв, латта (ЎТСИЛ, 133 - бет).

Эстетик баҳо ифодаловчи лексема-фразема муносабатида кучли – кучсизлик асосида синонимликнинг шаклланиши: чиройли – бир қошиқ сув билан ютиб қўядиган (44 - бет); истарали – истараси иссиқ, юлдузи иссиқ (115-бет). Жисмоний ҳолат ифодаловчи лексема-фразема семантикасида интенсификация/деинтенсификация орқали синонимиянинг вужудга келиши: озғин – эти суягига ёпишган (262 - бет); камқувват – бурнидан тортса йиқиладиган, бурнига чертса йиқиладиган (58 - бет); бақувват – тоғни талқон қиладиган (236 - бет).

Ҳаётни яхши билмаслик, фаолият малакасига эга эмасликни англатувчи семантикада кучайтириш орқали лексик-фраземик синонимия-нинг ҳосил бўлиши: тажрабасиз – она сути оғзидан кетмаган (201 - бет).

Кишиларнинг ижтимоий табиати, ҳамкорлигини ифодаловчи: иноқ – ораларидан қил ўтмайди (193- бет); аҳил – апоқ – чапоқ (28 - бет).

Ақлий ҳолат ва ақл билан амалга оширадиган ҳолатни ифодаловчи лексема, фраземаларда интенсификация/деинтенсификация билан синонимия ҳосил қилиши: тентак – мияси айниган (181 - бет); осон – хамирдан қил суғургандай (247 - бет).

Дуч келиш, учратиш ҳолатини ифодаловчи лексема+фраземаларнинг кучли-кучсизлик асосида синонимия ҳосил қилиши: камёб – анқонинг уруғи (27 - бет).



Пайт белгисини ифодаловчи лексема, фраземада интенсификация/-деинтенсификация орқали синонимия ташкил этилиши: қадимий – дақёнусдан қолган, алмисокдан қолган (28 - бет). Юқорида феъл кесимли гап шаклидаги фраземалар семантикаси асосидаги синонимияни кучли-кучсизлик белгиси нуқтаи назаридан алоҳида тавсифлаган эдик. Энди сўз бирикмаси шаклидаги таянч сўзи феълдан иборат бўлган фраземаларга эътибор қаратамиз.

Ҳоким қисми феълдан иборат бўлган фраземалар, асосан, мураккаб тушунчага эга бўлган ва шу асосда фразеологик маъно шаклланган. Тўғри, кўп ҳолатларда феъл кесим кенгайиб кетса, гарчи эга мавжуд бўлмаса ҳам, бу типдаги конструкциялар гап шаклга яқинлашиб, ўхшаб қолади. Зеро содда гап турлари ичида бир бош бўлакли, тўлиқсиз каби эга иштирок этмаган турлар ҳам мавжуд. Хуллас, гап шакл ва сўз бирикмаси шаклидаги фраземалар мазмуни ўзининг салмоғи, образ миқдорига кўра фарқ қилади. Қуйида сўз бирикмаси шаклидаги фраземаларнинг интенсификация/деинтенсификация воситасида синонимик парадигмалар ҳосил қилишини уларнинг семантик кўлами (турлари) мисолида кўриб чиқамиз.

Улар ижобий ва салбий коннотацияга эга бўлиши мумкин. Киши руҳий ҳолатини ифодаловчи лексема ва фраземалар семантикасининг интенсификация/деинтенсификация орқали синонимия ҳосил қилиши: хурсанд бўлмоқ – дўпписини осмонга отмоқ (77 - бет); хурсанд бўлмоқ – кўнгли тоғдай кўтарилмоқ (152 - бет); ёқтириб қолмоқ – юрагидан урмоқ (269 - бет); севинмоқ – оғзининг таноби қочди – оғзи қулоғига етди – боши кўкка етди (203 - бет); суюнмоқ – елкасидан тоғ қуламоқ (78 - бет). Шунингдек, психик ҳолатнинг кучсизланиши ва психик ҳолатга кучсиз даражада эга бўлмоқ семантикаларида: тинчланмоқ – ўпкасини босиб олмоқ (284 - бет); мизғимоқ – кўзи илинмоқ (136 - бет).

Салбий баҳо бўёкли руҳий ҳолат, жараён ифодаловчи лексема, фраземаларнинг кучли-кучсизлик асосида синонимия ҳосил қилиши: уялтириб қўймоқ – юзини ерга қаратмоқ – уят-номусдан бош кўтара олмай диган бўлиб қолмоқ (264 - бет); сиқилиб кетмоқ – юраги қон бўлди – юрак бағри хун бўлди (276 - бет); куйинмоқ – ичи ачимоқ – раҳми келмоқ (116 - бет); кўркиб кетмоқ – кайфи учмоқ – капалаги учмоқ (124 - бет).

Кишига ижобий баҳо бериш, номақбул ҳаракати учун чора кўриш ҳаракатларини ифодаловчи лексема, фразема семантикаларидаги интенсификация/деинтенсификация орқали синонимик қаторларнинг вужудга келиши: мақтамоқ – кўкка кўтармоқ – кўкларга кўтармоқ (151-бет); жазоламоқ



– терисига сомон тикмоқ (227 - бет); жазоламоқ – бурнини ерга ишқамоқ (57 - бет); жазоламоқ - онасини учқўрғондан кўрсатмоқ (192 - бет).

Шунингдек, турли семантик тур (гуруҳ) ларга кирувчи: хайдаб юбормоқ – думини туғиб юбормоқ (71 - бет); танқид қилмоқ – пўстагини қоқмоқ (209 - бет); тузалмоқ – ёстикдан бош кўтармоқ (89 - бет); лақиллатмоқ – қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ (209 - бет); енгмоқ – бир чўқишда қочирмоқ (44 - бет).

Лексема, фраземалардаги синонимик муносабат ҳам улардаги кучли-кучсизлик коннотацияси асосида шаклланган. Интенсификация/деинтенсификация асосида шаклланган лексема – фразема синонимлар равиш сўз туркумида ҳам учрайди. Иш-ҳаракатнинг ҳолатини билдирувчи лексема, фразема семантикасида кучайтириш маъноси синонимик қаторни вужудга келтиради: кўққисдан – томдан тараша тушгандай (235 - бет); зимдан – енг ичида (70 - бет); тез – оёғи олти, қўли етти (188 - бет).

Лексема-фразема орасидаги синонимик муносабат миқдор билдирувчи лексема, фразема маъноларидаги кучли-кучсизлик маънолари асосида ҳам бўлиши мумкин: озгина – икки оғиз (70 бет); оз – дарёдан томчи (70 бет).

Шундай қилиб, лексик сатҳдаги лексема, лексема ва фраземаларнинг градуал антонимик, синонимик ва вариант қаторлари тизими таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг шаклланишида муайян белгининг кучли-кучсизлик, ортиқ-камлик даражалари иштирок этган. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, тилларда интенсификация/деинтенсификация семантикаси лексик бирликлар махсус тизимини, яъни лексик парадигмасини шакллантира олиши умумлисоний қонуниятдир.

#### Адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Тилшуносликка кириш. II-қисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика – Тошкент: ЎЗМУ, 1999. - 196 б.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка (стилистика декодирования). – Л.: Просвещение, 1973. – С. 45.
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. - 132 б.
4. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 128 б.
5. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т.:Фан, 1989.-Б.96.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 405 б.
7. Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада интенсификация/деинтенсификация семантикасининг лексема ва фраземалар синонимик парадигмаларини шакллантириши, синонимик муносабат нафақат фразема ва фразема, балки лексема билан фразема орасида ҳам бўлиши мумкинлиги ва бунда лексема маънони меъёрда, фразема эса муайян образ орқали кучли, ёрқин ифодалаши хусусида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается семантика интенсификации/деинтенсификации образует синонимические парадигмы лексем и фразеологизмов, синонимическая связь может существовать не только между фразеологизмами и фразеологизмами, но и между лексемами и фразеологизмами, и в этом случае лексема выражает значение стандартным образом, и идиома выражается сильно и ярко через конкретный образ.

**SUMMARY**

This article examines the semantics of intensification/deintensification, which forms synonymous paradigms of lexemes and phraseological units, a synonymous connection can exist not only between phraseological units and phraseological units, but also between lexemes and phraseological units, and in this case the lexeme expresses the meaning in a standard way, and the idiom is expressed strongly and vividly through specific image.